

Совчилик



12:00 / 12.12.2024 6257

«Совчилик» дегани муайян бир аёл ёки қизга уйланиш истагини унинг ўзига ёки валийсига билдиришдир. Аслида, аёл кишининг ўзи ёки яқинлари томонидан куёвнинг ўзига ёки унинг оила тарафига совчилик қилиниши ҳам мумкин.

Бу билдириш уйланмоқчи кишининг ўзи ёки унинг вакили томонидан бўлиши мумкин. Шунингдек, совчиликни никоҳи исталган шахсга ёки унинг ишбошиларидан бирига билдириш ҳам мумкин.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳафса онамизга уйланганларида у кишининг оталари Умар розияллоҳу анҳуга совчилик қилганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Салама розияллоҳу анҳога уйланганларида у кишининг ўзларига совчилик қилганлар.

Фазийлатли кишиларга аёлнинг ўзи, ота-онаси ёки ишбошиларидан бири совчилик қилиши жоиз.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига баъзи аёллар келиб, ўзини никоҳлаб олишларини сўраганлар.

مَلَسُوهُ يَلْعَلْ يَلْصِقُ بِنِّجَانِ دَنْعَانُكَ : لَأَقُوهُ نَعْلُ لَلِإِيضَرِ دَعَسِ نَبِ لَسَ نَعْفِ وَهُوَ سَمُّ خُلِّ هَآوَرِ . هَعْفَرَوَ رَطْنُ لَلِإِيضَرِ فَهِيَ لَعْلَعُ أَسْفَنُ ضَرْعَتُ أَرْمَاهُ تَعَجَّافِ ، مَلَسُوهُ يَلْعَلْ يَلْصِقُ بِنِّجَانِ لَعْلَعُ أَسْفَنُ تَضَرَعَةُ أَرْمَانِ ؛ سَنَأَلُاقُ : هِيَ أَوْرُ تَضَرَعُ كُنْمُ زِيخَ هِيَ ؛ سَنَأَلُاقُفَ هِيَ أَيَحْلِقُ أَكْ أَم ؛ تَلْأَقُفَ ؛ سَنَأُةً نَبَاتِ تَلْأَقُفَ . مَلَسُوهُ يَلْعَلْ يَلْصِقُ بِنِّجَانِ لَعْلَعُ أَسْفَنُ

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бир аёл келиб, у кишига ўзини тақдим қилди. У зот унга бошдан-оёқ назар солиб қарадилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Бошқа бир ривоятда:

«Анас: «Бир аёл ўзини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга тақдим қилди», деди.

Анасининг қизи кулиб:

«Мунча ҳам ҳаёси оз экан!», деди. Шунда Анас:

«У сендан яхшироқ. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзини тақдим қилди», деди».

يَمْهَسُ لَأَفْأُحِ نَبِ سَيَنْخُ نَمُةً صَفَحَ تَمَّيَاتِ : لَأَقُوهُ نَعْلُ لَلِإِيضَرِ رَمُعِ نَبِ لَسَ نَعْفِ رَمُعِ لَأَقُفَ ، هَنِي دَمْلِبَ يَفُوتُ مَلَسُوهُ يَلْعَلْ يَلْصِقُ بِنِّجَانِ لَبِأُصْأُ نَمَانِ أَكْ وَ يَنْيَقِلُ مَثَلِ لَأَيَلُ تَتَبَلَفِ ، يَرْمَأُ يَفُ رَطْنُ أَسْفَنُ : لَأَقُفَ ، نَأْمُتُ عِلْعَلِ صَفَحَ تَضَرَعِ تَشُونِ ؛ تَلْأَقُفَ قِي دَّصِلِ رَكْبِ أَبِ تَقَلَفِ . آدَهْ يَمْوِي جَّوَزَتَأُ أَلِ يَلْأَدَبُ دَقُ : لَأَقُفَ تَتَبَلَفِ ، نَأْمُتُ عِلْعَلِ يَنْمِ هِيَ لَعْدَجْ وَأُتُنُكُ وَ يَرْكَبُ وَبَأُ تَمَّصَفِ ، هَعْفَرَوَ تَجَّوَزَ كَلْعَلِ : لَأَقُفَ رَكْبُ وَبَأُ يَنْيَقِلُ ، هِيَ إِهْ تَحْ كُنْأَفِ ، هَلْ لَلِأُلُوسَرِ هَبَطُ مَثَلِ ، يَلْأَيَلِ مَعْنُ ؛ تَلْأَقُفَ رَمُعِ لَأَقُ ، أَيَشِ كَيْ لِي لَعْدَجْ رَأْمَلِ هَعْفَرَوَ تَضَرَعِ نِيحِ يَلْعَلِ تَدَجْ وَ تَمْلَعُ تَنْكُ يَنْ أَلِ يَلْعَلِ تَضَرَعِ أَمِ يَفُ كَيْ لِي لَعْدَجْ رَأْمَلِ يَنْعَنْ مَلُ هَنِي ؛ رَكْبُ وَبَأُ لَأَقُ هَلْ لَلِأُلُوسَرِ رَسِي شَفُ أَلُ نُنْ كَأْمَلِ ، هَارَكَ دَقُ مَلَسُوهُ يَلْعَلْ يَلْصِقُ بِنِّجَانِ لَلِأُلُوسَرِ نَأُ يَرْأُجُ بَلْ هَآوَرِ . هَهُ تَلْبَقُ هَكَرَتْ وَوَلَوُ ، مَلَسُوهُ يَلْعَلْ يَلْصِقُ

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳафса Хунайс ибн Ҳузафа ас-Саҳмийдан бева қолди. У Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлиб, Мадинада вафот этган эди. Бас, Умар айтди:

«Ҳафсани Усмонга тақдим қилдим. У «Ўйлаб кўрай-чи», деди. Бир неча кун кутдим. Сўнг у менга учраб, «Ҳозирги кунда уйланмай турганим маъқулга ўхшайди», деди.

Абу Бакр Сиддиққа учраб, «Хоҳласанг, сенга Ҳафсани никоҳлаб бераман», дедим. Абу Бакр индамади. Ўшанда ундан Усмондан аччиғим чиққанидан кўра кўпроқ аччиғим чиқди. Бир неча кун турганимдан сўнг унга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам совчи бўлдилар ва мен уни у зотга никоҳлаб бердим. Сўнгра Абу Бакр менга учраб:

«Ҳафсани менга тақдим қилганинда, мен эса сенга жавоб бермаганимда, аччиғинг чиққан бўлса керак?» деди.

«Ҳа», дедим.

«Мени сенга жавоб беришдан фақат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг уни зикр қилганларини эшитганим ман қилди, холос. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг сирларини фош қилишим мумкин эмас эди. У зот тарк қилганларида, уни қабул қилар эдим», деди Абу Бакр».

Бухорий ривоят қилган.

Бизнинг шароитимизда, одатда, совчилик йигитнинг ота-онаси ёки улар тайинлаган кишилар томонидан келинликка номзоднинг ота-онасига ёки оила аъзоларига қилинади.

Айтайлик, мазкур иш содир бўлди. Эркак томондан аёл-қиз томонга совчилик қилинди. Энди аёл-қиз тараф муносиб куёв танлаш мажбуриятида қолади. Албатта, улар ҳам бу танлашда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрсатма ва тавсияларига амал қилсалар, жуда ҳам яхши бўлади ва бундай ўта нозик, умр савдоси бўлган ишда энг тўғри йўл тутган бўладилар.